

Амалиннга ишонма



08:05 / 23.03.2020 3179

Яхё ибн Одам айтади: «Мисъарнинг вафоти яқинлашганда унинг ҳузурига Суфён Саврий кирди. Уни бетоқат аҳволда кўриб, «Нима учун бетоқатсиз? Аллоҳга қасам, қанийди мен ҳам ҳозир ўлсам», деди. Мисъар ўша ердагиларга: «Мени ўтқизиб қўйинглар», деди. Сўнг Суфён Саврий унга айтган гапини қайтарди. Мисъар: «Ундай бўлса, амалларингга ишонар экансан-да, Суфён? Аллоҳга қасамки, мен гўё тоғнинг чўққисидаману, қаердан қулашимни билмай тургандайман», деди. Буни эшитган Суфён Саврий йиғлаб юборди ва: «Сен Аллоҳ аzza ва жалладан мендан кўпроқ қўрқар экансан», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан